

Миллий Тўлақон



Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1998 йил, 3 ноябр

36 (166) - сон

Хиёнатнинг ранги бўлмади дейишди. Назаримда бугун бу ҳикматли ифоданинг яна бир жиҳати — маънисини уқиб турган-декмиз. Бу маънида хиёнат қилиш учун жанг жаддаллар шароити, қандайдир душман тарафининг умуман бўлиши шарт эмас...

ҚИРҚ ҚОЗОННИ ОРҚАЛАБ

— жуда юқори лавозим эгаларининг ўз мансабини сунистеъмол қилиб — хиёнат қуролига айлантириб, нопок йўллар билан бойлик орттиришдан, ўз халқининг ризқини қирқидан бошланади. Одатда, у қўл остида ишлаётган ходимлар ва унга хизмати тушиши мумкин бўлган бошқа турли мансабдор кишилар учун гўё худода айлана боради. Сирасини айтганда, бир-икки марта «худо»лигини ошқора ёки зимдан кўрсатиб, бир ишора билан баъзи «бетгачонар»ларнинг кўзини мошдек очиб қўяди, тамом — ҳаммининг тарвузи ерда. Шу-шу тоққа чикмай дўнона, кўкка чикмай «кўк» оёқлари остига сочилиди. «Бели қайишмаганинг нон ейишини кўр» деганларидек, меҳнатсиз келган даромад дарё бўлса ҳам, у учун бир қулум сувча қадри йўқлиги шубҳасиз, бу кадр фақат чўлдаги ташнага аён ва зарурдай. Дарвоқе, «кўк» сўзининг обрўси кундан-кун айнан долларнинг ўзидан ҳам ошиб кетаяпти. Пул сифатида долларнинг қадри баланглигига ҳавас қилган ҳолда, барча-барчамизда бир миллий гурури орзу ва бу орзуга интилиш қачон кўзгалар экан, дейсан киши. Қачон-гача баъзи пулдорлар киссаларида «кўк»нинг кўпчилиги билан ўзларини кўкда ҳис қилиб юрадидилар? Сохта-омонат обрўлар, дарёдаги қўпик ташвишларида юрмай, ўз пулимизнинг қадрини кўтариш ҳақида ўйлалар, ўзларининг ўзга ўрталарининг бойлари олдидagi ачинари ахволини — обрў деб билган обрўсизликларини бир-ров четдан кузатиб фикр қилсалар ёмон бўлмасди. Зеро, шундай катта мансабларни эгаллашга қурби етган казо-казоларни билимсиз, иш юритишда беҳабар деб бўлмайди. Улар ўз-ўзидан курсига ўтириб қўя қолган эмаслар. Ишбилармонлик усулларини тескари йўлда, харомчиликка қўллаган ҳолда. Агар уларда қайғуриш хисси бўлса, ҳар ким ўз ишини тўғри бажарса, қўпашиб-қўмақлашиб, фикрлашиб ҳаракатланганда (ҳеч қурса бошқа қўпашларнинг ихлосли интилишларига тувос

солмай туришса!) пулимизнинг жаҳоний қадри билан фахр этиш имкониятлари топилади, албатта. Йўқ, улар бу ҳақда ўйла-майдилар, катта-катта зиёфатлару, шоҳлар кўрмаган тўйлар, моддий-маънавий хиёнатлардан боши чиқмайди бундайларнинг.

Аслида тўй-ҳашамлар, айниқса бизда миллий маънавиятимизнинг бир бўлаги, каттаю кичикка ошқора ва тез сингувчан миллий сабоқ, руҳий озикдир. Бир жойда эмас, юртининг бир неча манзилларида тўй номида руҳиятни меъёрлаштириб турувчи азалий қадриятларимизга ёт амаллар тутулиб, пулдор-мансабдор шахсларнинг эл-юрт, айниқса, ҳаёт қарога экан деб юрган ўсмир-ёшларнинг кўз олдига кўрсатаётган «ўрнак»лари ақлу хотирларда бир захарли муҳрга айланиши тайин. Бундай дабдаба ва маънавий қашшоқликка сингиш ҳоллари қанча кўп бўлса, шунча кўп маънавий захмат келтириши аниқ, бинобарин, биз ҳали қизил истибоднинг бу йўсин захматларидан тўла қутулиб улгурганимизча йўқ. Маънавиятнинг мамлакат тараққиётидаги аҳамияти ҳақида гапириб ўтиришимиз эса ҳождати бўлмас керак. Миллийликка таъовуз, ватанга хиёнат қилишнинг шакли шамойили бундай ҳам бўлар экан.

Тангри олдида тиканнинг ҳам ҳисоби, хасининг ҳам ҳурмати бор. Ҳар ҳолда қабрга тўйда осилган қирқ қозонни орқалаб кириб бўлмайди. Ёки сўроқ бергувчи руҳ кўкка «кўк» билан кўтарилмайди. Бироқ бу ўринда бир ҳисоби йўқ нарса бор. Бу — баъзи мансабдор шахсларнинг қуюқшонсиз хатти-ҳаракатларидан мамлакат, халқ, миллат тараққиётига етган моддий зарарнинг маънавий захматлари, турли ёшдаги кишилар дунёқаршига кўрсатган салбий таъсири. Қолаверса, бу ҳолни кўриб, ё эшитиб моддий етишмовчилик орқали келиб чиққан бирор хасталиқдан, дейлик камқонликдан (Оролбўйи музофотларида бу касаллик кам тарқалган эмас) озор чекиб юрган қайси-дир юртдошимизнинг ўқинишлари, денгиздай бир бош чайқаб қўйиши, Каъбадай кўнгли вайрон бўлиши табиий. Ва энг ёмони бу иллатнинг адолатга шубҳа билан қарашга туртки бўла олиши, маълум маънода, элнинг кўнглини лавозимлардаги кишилардан қайтаришидир. Ҳўш, буларнинг қайси бирида ҳисоб бор?! Бу каби таъсирларнинг турини санашда яна давом этиш мумкин.

Киши чинакам мазмунли ҳаёт кечирса, бу мазмун мангу давом этади, ўшайди, ҳеч қачон пул билан ўлчанмайди. Айниқса, харом-харишлик кишининг умрини ҳам харомга чиқаради, икки дунёсини бўлгайди. Умирга харомдан мазмун ясаганлар қадим ҳам, ҳозир ҳам охир-оқибат ҳамма нарсадан мусово қолаверадилар. Кўза кунда эмас, кундагина сидади. Мамлакат раҳбарининг Фармони ана шулар ҳақида катта-кичик барчамизни оголхантиряпти, миллий ҳаётимизни энг юқори замонавий андозаларда қуришга чақиряпти. Акс-садо бер, юртим!

Дилором ҚЎЗИЖОН.

ИСТЕЪДОДЛАР БЕШИГИ

Ойбек Исломов, Нигора Мирсолихова, Феруза Эрқабоева... булар ёши энди-гина ўн учга чиққан мўйқалам ҳаваскорлар. Яқинда Республика болалар бадийи марказида уларнинг Имом Бухорий ва Аҳмад Фарғонийга бағишланган суратлар кўргазмалари очилди. Бу кўргазманинг номи ҳам ажойиб: «Ватан истеъдодлар бешиги — XXI аср расомлари» деб аталади.



Ёш расомлар — уларни шундай деб атаётгандай, — марказ студияси ҳамда тасвирий ва амалий санъат лицей интернатида, уйда юзлаб асарлар ишлаганлар. Кўргазмага уларнинг фақат бир қисмигина саралаб

шундай кўргазмалар боис студияларимизда ижод қилаётган болалар Япония, Швейцария, Ҳиндистон, Америкада Халқаро кўргазмаларда қатнашиб, совринлар олаятлар. Кўргазма очилишида таникли санъаткорлар Али-

шер Мирзаев ва Тохир Миржалилов Ойбек, Нигора ва Ферузга гўзал ва-залар ҳаёда этдилар. Уларга ижод сирларини тобора чуқурроқ эгаллаб боришларида муваффақият тиладилар.

Раим ФАРҲОДИЙ. СУРАТЛАРДА: Ойбек Исломовнинг «Имом ал-Бухорий» сурати, кўргазма иштирокчилари. Р. ГАЛИЕВ фотоси.


ҲАЁТНИНГ ҲИКОЯСИ

Бола эдим, қалбим тўла гап, Бу ерлардан ўтгандим кўп бор, Чўл янтоғи ва юлғунларнинг Оёғимда излари ҳам бор. Бугун ўтдим бу ердан тақроқ, Гул хидлари этдилар мафтун, Булбул сайраб бўлиб беқарор, Гул экканлар мадҳини тун-кун. Юқоридаги мисралар Ҳаётнинг қаламига мансуб. Ҳаёт бугунги Қизилтепа туманининг туғди-битди шоири. Утирса ҳам, турса ҳам, тушида ҳам, ўнгиди ҳам фикри-хаёлида шеър, шеърят уни сеҳрлаб қўйган. Тумандошлари уни «шоиримиз» дея эъзозлашади. Ҳаётнинг бутун умри Қизилтепада кечди. Шу сабабли ҳам бу замин турпоғининг ҳар зарраси унга азиз, ҳар бир даррахти, тоғу тоши, дарё-ю ариқлари, боғу саҳралари, хусусан, одамлари дилга яқин.

ҚИЗИЛТЕПА — ОЛТИН МАКОН

Кўз очган дунёси — табаррук заминини, серкўёш Ўзбекистоннинг сўлим гўшаларидан саналмиш Қизилтепани жонқадар ардоқлаш, таъриф-таъсиф этиш, гоҳ шеърга, гоҳ кўшиққа солиб қуйлаш Ҳаётга олам-олам завқ-шавқ беради. Бир кокилинг ювса Зарафшон, Чайқалади Жайхунда бири, Жаннатмисол «Боғи фаровон» Гўзаллигини бормиким сири? Боғим ўзинг, чаманим ўзинг, Тоғим ўзинг, маъданим ўзинг. Қизилтепам, жон Қизилтепам! Қизилтепа — Навоий вилоятининг обод туманларидан. Вилоятда ҳам, мамлакатимизда ҳам унинг ўзига хос ўрни, салобати бор. Шарқдан Қарнабўл орқали Самарқанд, жанубдаги Уртачўл орқали Қашқа воҳаси, кунботарда Бухоро,

шимолда ҳадсиз Қизилқум саҳросига туташ бу макон гарчи туман сифатида 1935 йилнинг 9 февралда ташкил топган бўлса-да, унинг тарихи жуда узоқ. Яхшиси, бу ҳақда туман тарихининг билимдони, бу муқаддас тупроқнинг ҳақиқий жонқуяри, шоир Ҳаётнинг ўзи сўзлаб бера қолсин. ИЗОҲ Ҳаётнинг Қизилтепа замини, унинг одамлари ҳақидаги қиссаси битмас-туганмас. Қани бир бошдан тинглайверайлик-чи, қисса-



ўлка тарихи ҳам Туронзамин, ўзбек халқи тарихи каби жуда қадимий. Нархастий, Мирзо Азим Сомий Бустоний, В. А. Шишкин, А. Ю. Якубовский, В. В. Бартолд, Я. Фуломов, О. В. Обелченко, А. Муҳаммадзонов сингари йирик олимлар шундан гувоҳлик берадилар. Буюк Ипак йўли шу ердан ўтган. Қизилтепа қадим-қадимда Бухоро, Марв, Шош, Самарқанд шаҳарларини бир-бирига боғловчи ҳалқа бўлган. 336 километрик Канпирак истехком деворининг анча қисми Қизилтепанинг жанубий-шарқидан ўтган. Ҳозир ҳам Уртачўл ва Чўлималик яйловларида Шайривайрон, Оксоч, Лавандоғ тепалиқларида бу девор қолдиқларини кўриш мумкин. ...Араблар VIII аср бошида Бухородан шимолий шарқ томон юриш қила туриб, гўзал бир шаҳарчага дуч келадилар. Бу ўнинчи аср олими Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида баён этилишича, айни



хон бизга нималарни ваъда этаркин?

1. МОЗИЙДАН БИР ШИНГИЛ

«Қизилтепа нисбатан яқин ўтмишга дахлдор ном. Унга-ча бу макон Тавовис, Лавандоғ, Бобохушарти каби шаҳарчалар, Бухорода мангитлар сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилгандан то 1920 йилга қадар Вангози ва Ҳўжабустон кентлари билан овозадор бўлиб келган. Бу

«ГЕНДЕР ВА РИВОЖЛАНИШ» БЮРОСИДА

Яқинда БМТ Тараққиёт Дастури ҳузуридаги «Гендер ва ривожланиш» бюроси (Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси) мулоқот гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни «Гендер ва ривожланиш» бюроси директори Дилором Қобулова олиб борди. Йиғилиш қатнашчилари «Аёлнинг жамиятда тутган ўрни: тенгҳуқуқлик, эркинлик принципларининг тарғиботи ва тенглик имкониятларини яратиш» мавзусида ўзаро фикр алмашдилар, қизгин баҳс-мунозаралар давомида мавзу доирасида турли мулоҳазалар ўртага ташланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг раиси Дилбар Фуломова йиғилишда иштирок этди, у ўз сўзида кўпгина илгор мамлакатларга нисбатан ҳозирги ўтиш даврида республикамиз аёллари давлат бошқаруви органларида кам сонли эканлиги, бу борада фаоллигини ошириш учун уларни аввало республикамизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партияларга қизқирта библиши, уларнинг сиёсий онгини кўтариш кераклигини таъкидлади. Шу билан бирга, мамлакатимиз хотин-қизларига ҳуқуқий жиҳатдан кенг имкониятлар берилганлиги, афсуски, кўпчилик аёлларимиз бу ҳуқуқларни етарлича билмасликларини қайд қилиб ўтди. Ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш мақсадида қилинаётган ва қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида тўхталди. Сўнг Дилбар Фуломова йиғилганларнинг савол ва тақлифларига жавоб берди.

Тошкент шаҳар «Меҳри» хотин-қизлар жамияти директори Ф. Пирназарова жамият томонидан «Аёл ҳуқуқи — инсон ҳуқуқи» номли китоб нашр қилинганлигини, унда аёлларнинг Конституция ва барча давлат қонунлари, кодексларида белгиланган ҳуқуқлари жамлаб келтирилганлигини айтиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бу китобнинг етиб бориши айна мудида эканлигини билдирди. Йиғилиш сўнгида Д. Қобулова муҳокама қилинган мавзу юзасидан ўртага ташланган фикр ва мулоҳазаларга тўхталиб, яқун ясади.

Д. МАТКАРИМОВА

БИР ТОМЧИ СУВНИ ЮЗГА БЎЛИБ ИЧАМИЗ

Илгари армияда хизмат қилган акаларимиздан, оталаримиздан кўп эшитганмиз: «Армия — ҳаёт мактаби». Буни инкор этмаган ҳолда мен ҳам айтмоқчиманки, талабалар ҳам — ҳаёт мактаби. Бунда да маълум маънода мусофирлик таъмини тотаган. Стивендия олган кун талаба учун бир байрам ҳисобланади. Талабаларнинг рангин, гоҳ рангсиз лаҳзалари ўтиб бора экан, чўптак бўшаб, кўнгли эса соғинча тўлаверади. Бу соғинчлар кишлоқ ҳақидаги ўйларга айлана бошлайди. Кишлоғимиз номи Қизил қарвон. Бу номи ўттинчи йилларда қўйилган, унгача эл ўрта-сида «Ингичка» деб танилган. Нега Ингичка деб аталган? У тарихларда тилга олинганми? Мен ҳозир бу билан ҳеч қизиқиб кўрмаганимга ўқиндим. Беравора бўлиб кетганмишда. Б и л а ф о н р о қ кишлоқдошларимдан сўрасам, «Э-э-э, ҳозир бундай ҳам муҳимроқ масалалар бор, деб гапни қисқа қилиб қўя қолади. Мен кейин бундан ҳам муҳимроқ масалалар тўғрисида ўйлайдим. Бундан етти-саккиз йил олдин мамлакатимиз Президентининг «Кишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисида»ги фармони асосида Ўзбекистон миёқсизда анча-мунча ишлар амалга оширилди. Аммо (Ингичка), ҳа-я, айтмоқчи, Қизил қарвонда ичимлик суви муаммоси тўлиқ ечимини топган эмас. Мавжуд икки-тартидан кудуғи ишламайди. Кишлоқнинг миндан эҳди аҳолиси қўлда қазилган бир қудуқ ва тўрт километр узаклидаги тоғдан труба орқали олиб келинган икки булоқ сувидан фойдаланади. Бахорда эҳтиёжини бир қадар қондирадиган булоқ сувлари ёзда чойнакнинг жўмрағидан келаётгандек жилдлар қолишини айтсам, тасаввур қиларсиз катта бир кишлоқ аҳолисининг ахволини? Бир хонадон ҳўжалиги учун қифон қиларли сувдан юздан ортиқ хонадон фойдаланади. Нима ҳам қилиш мумкин? Кишлоқдагилар бунақ кўнглик кетишган. Улар, ростдан ҳам, «Бир майизни қирқ бўлиб ейишди». Бир томчи сувни юз бўлиб ичмади. Сув тўла ариқча эмас, минглаган қўз чойнакнинг жўмрағига қараб ўтиришга, мева-чева ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Қўлдан берилганга эса қўш тўймак. Шу маънода ингичкаларга «Оч қорним — тиш қўлғим» мақоли жуда мос келади. Эрта бир кун кишлоқдошларимдан бири тасдиқдан бу мақолани ўқиб қолса, «Лалим, даш деб қишлоғимизнинг обрўсини тўқибсан» қаби-лида мендан ҳафа бўлиши ҳам ҳеч қанча эмас. Юқорида «тасоффан» сўзини беқарор иш-

латмадим. Кишлоқдошларим газета-журналларга обуна бўлмай қўйишганига 4-5 йилдан ошди. Чунки шунгача обуна бўлган нафларини ҳам мунотазам ололмаганлар. Шундай қилиб, почта ходимларимиз ўз «тиришқоқ»ликларини билан газетга ташвишдай «ортиқча ташвиш»дан ўзларини соқит қилиб қўйганлар. Менга ўхшаган «қизқоқ»лар обуна бўлганини талаб қил, керак бўлса судга мувожабат эт, деб қолдирган. Кишлоқдагилар наздида эса «шунга ҳам ота гўри қозихонами?». Илгари жуда катта нусхаларда чоп этилган газеталар ҳозир анча камтарин рақамлар билан қанотлангани ўтиришиб-ди. Бу Ўзбекистондаги мамлакат ахли учун жуда-жуда қамчилигини айтсам, бугунги ўзбек маъбуотининг обрўсини тўққан бўлганми, менимча, Тўйларда тўйгунча ароқ ичаётган, ижтимоий меҳнат билан ишланган маънаслиқни ор қўйиб қўйган, эрмаги қарта бўлиб қолган айрим айрим кишлоқдошларимга эса бу гапларни тушутириш ҳам бўлмайди, албатта. Акаларим илгари Тошкентда ўқиб газета муҳбири бўлиб ишлар эдилар. Паспортни шаҳар рўйхатига қирғизиб масаласини ҳал қилишолмай кишлоққа келиб ўқитувчилик қилишарди. Маълумингизки, бу йилдан бошлаб дарсликлар бўлиб қўйилган. Айтишларича, бу йилдан бошлаб дарсликлар 5-синфиди 36 ўқувчидан 29гача она тили ва адабиёти дарслиги йўқ! Ота-онлар фарзандларига китоб олиб бермаган ва ҳозиргача олиб беролмаганлар. Газет-журнал, китоб ўқимайдиган, шаҳарлик тенгдошларидан ҳам жисмоний, ҳам маънавий ўсишда анча орқада қолаётган бу болаларни замона талабларига қандай етказиб оламиз? Ана гап айлиниб ўз-ўзидан кишлоқ ва шаҳар ўртасидagi тафовут масаласига дейлик тақалди. Галирасак гап қўн. Умуман айтганда, ҳамма муаммолар ўргинчак турни қаби, бир-бирига боғлиқ кетган. Кишлоқдошларимни шу турини ичиди қўриб ачиноб кетаман. Улар меннинг азиз юртдошларим, ахир. Таътилларда шаҳардан кишлоққа келаман, шуларни ўйлайман, қўраман. Қиларга, дала-далларга чиқаман. Кенгликларни кезаман. Ва... шаҳарни соғина бошлайман. Мен-ку, кетаман, болалигимни эса шу ерда қолдираман. Болалигимни, кишлоққимнинг болаларини асрагим, уларни дурқун қўригим келади. Сув ҳам тўлиб турсин, кишлоқининг бағри ҳам... Шерали НИШОНОВ, талаба.

ТИНЧЛИККА ТАҲДИДЛАР КҮП. АММО ИМОНИАТНИНГ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАМ ОЗ ЭМАС

Тожикистон Ташқи ишлар вазирини Талбақ Назаров Тохронда икки кун расмий ишчи сафарда бўлди. Тожикистон расмий вазирларини Эрон президенти Муҳаммад Хотамий қабул қилди. Томонлар Тожикистон ва Афғонистондаги аҳолини муҳокама қилдилар. Тожикистонда миллий мурожаат қилинган ҳолатда, жаноб Назаров республикада тинчлик сақланиб турганини, аммо уни мустақамлаш учун кўп тер туқиш, жамият жипслашиши зарурлиги ҳақида сўзлади.

Эрон президенти Муҳаммад Хотамий Афғонистондаги Толибон ҳаракати бутун Марказий Осиё минтақасига ҳафв солянинг фикрича, Афғонистонда қонли мождарларни тўхтатишнинг бирдан бир йўли — кенг асосда барқарор ҳукумат тузишдир.

Россия давлат бошлиғи идораси раҳбари ўринбосари Олег Сисуевнинг кеча берган баёнотида қараганда, 2000-йилгача бўлган даврда президент Елциннинг сиёсий роли кучайиб боради. Президентнинг ботоботиғи боис унинг сиёсий роли камийиб боради деб айтишга ҳеч қандай асос йўқ. Фақат президент ҳўжалик вазибаларининг бир қисмини кискарттириши ва бу жиҳатдан Примков ҳўкумати ҳўжалик-иқтисодий роли ортиши мумкин. Жаноб Елцин ўз зиммасига

Бир ўқ атрофида

Хитой ва АКШ мақсус махфий хизматлари Хитойнинг жанубида гўневандлик моддаларини ташви ўтишни назорат қилувчи яширин электрон станция ўрнатди. Бу станция доимий ҳаракатда бўлиб, уни ўн қизматчи бошқаради. Станция Бирма билан чегарага яқин Жуйли деган жойда ишлайди. Унинг маълумотлари Хитой ва Америка махфий хизмати идораларида тақлидан ўтказилган ва зарур чора-тадбирлар қўрилади. «Узинфо» хабарлари асосида «МТ» учун тайёрланди.

Қадим илмлар зиёси

БИРЛАШИШ МЎЪЖИЗАСИ

Нўмон ибн Башйир ривоят қилдики, Расулulloҳ (С.А.В.) дедилар: Мўминлар бир-бирлари билан дўстлик, муҳаббат ва меҳрибонликда бир баданга ўхшайдилар. Бордию бирон узв (огриқдан) шикоят қилса, ўшанда барча бадан (аъзолари) уйқусизлик ва иситма билан унга қўшилиди.

Исломот таълимотида инсонларнинг ижтимоий, иқтисодий, миллий ва этник тафовитлардан қатъий назар тенглиги, бир ота-онадан туғилиб ўсганлиги ва қонун олдида ҳеч қандай имтиёзсиз баробарлиги, умуминсоний қадрият даражасига кўтарилган.

Қулчилик шароитини энгиллаштириб, қулларга имтиёзлар бериш орқали аста-секин ушбу эски тизим бисотини тугатиш, илму маърифат уфқларини очиб, турли миллатлар маданиятларини яқинлаштириш асосида синкретик, яъни қўшма тамаддун юзага келиши учун замин яратиш, янги мусулмон давлати олдиға қўйилган кечтириб бўлмайдиган вазифа эди.

Бундай олий максатларға эришиш учун ҳаммадан аввал мусулмонлар ўзаро бирлашиб, бирдамликда яшашлик керак эди. Мазкур жамият аъзолари бир бадан аъзоларидек, бир-бирига боғланган бўлиб, ўзаро муносабатларда дўстлик, муҳаббат ва жонқурлик меъёрларига асослансаларгина равақ топишлари мумкин эди. Бундай ҳаётий йўриққа асосланган жамоода турмуш уйғунлиги юзага келади.

Излаган — топув

НЕГА «ТЕШИК ҚОПҚА» ДЕЙИЛГАН?

Яқин-яқинларгача ҳам Тошкентнинг қадим Себзор даҳасида «Тешик қопқа» маҳалласи бўлган эди. Шаҳарни қайта қуриш боис ҳозир шу маҳалланинг ўзи, ҳеч қурса номи қолдими-йўқми билмадим.

Маҳалла Тошкентнинг шимолида шаҳар қадим деворининг тағидан бошланган бўлиб, кўпдан-кўп бог-роғли ҳовлилардан иборат эди. Маҳалланинг номи узок-узакларга — IX асрга бориб тақалади. Араблар қадимги Чочни VIII асрнинг ўрталарида таваб этидилар. Арабчада «ч» товуши йўқлиги учун уни «шош» деб юзгазилар ва ёзганлар. Ушунда хозирги воқеалар тарофида «Мингўрик мавзенида жойлашган Шош туманида вайрон қилинганлигини, IX асрга келганда эндиғи Эски шаҳар ўрнида қаддини тиклайди ва Бинкат деган ном олади. Бинкат шаҳар дарвозалари унча кўп бўлмаган. Натيجанда ўша маҳалла (мавзе) ва атроф маҳалла аҳолисининг далага чиқиб-қайтиши учун анчагина йўл босиб, сўл тарафда «Қорасу дарвоза»га бориши кўчи ўнг тарафда эса «Лабзак дарвоза»га бориши керак бўлган.

Шунақа: шаҳарда бўлсин, бошқа жойларда бўлсин, ҳар битта ном оламжаҳон тариқатида, ўтмишнинг, аждодларимизни эслатиб туради. Эҳуд хозирги вақтда бузиб «Оқлон» деб аталаётган «мавзе»ни олайлик. Асли «Оқилон» («Ақиллар») мавзеи бўлган. Хайтовур ўша замонларда қўйилган «Камолон» («Камол топганлар») мавзеининг номи омон қолган. Ва шу билан бирга «Камолон дарвоза» номи ҳам тилга олиб турилади.


Шарҳимиздаги шу ноилар қўйилганга минг йилдан ошди. Бундай дейилишига сабаб шуки, худди шу «Оқилон»га туғаш «Орифон» («Билмилликлар») мавзеи ҳам бўлган: чуқки Шайх Зайниддин қўйи Орифон дейилади, ҳазрат ўша жойда истиқомат қилганлар. Ва хозирда ҳам ул зоти шарифнинг муборак 44-авлодлари бўлиши математик ва файласуф олим Омонулла Файзулла, 45-авлодлари бўлиши психология-мантук олими ва элчи Алишер Файзулла шу жойда яшаб келмоқдалар. Ҳўш, нега шу номлар форсийда қўйилган, десангиз —

Баққол Қиссаси

Ривоят қилибдурларки, Фазл Саҳлнинг бошига давлат қўши қўнмасдан аввал, у бағдодлик бир баққол билан дўст тутиган эди. Баққолнинг номи Худобард деб атардилар. Фазл Саҳл ҳар вақт Бағдодга келса, албатта баққолнинг олдиға борар ва баққол ҳам унинг йўлига пешвоз чиқиб, сийдиқил билан хизматда бўларди.

Маъмунга вазир бўлиб тайинланди. Бироқ тақдирнинг хилма-хил наъранглари авжга чиқиб, Фазл Саҳлнинг бошига бахт қўши қўнганда, баққолнинг иши инқирозга юз тутди. Баққол тижорат ботида ҳарчанд ҳаракатлар қилмасин, бари бир, фойда-икси бўлмади. Қайси матон олмасин, қасод бозоридан сарсон бўлаверди.

Баққолга кўнма билан инъом баддал бўлди. Баққол тирикчилик зарурати юзасидан Бағдоддан чиқиб Хуросонга юз угирди ва Фазл Саҳл ҳузурига ташриф буюрди. Фазл Саҳл баққолнинг келганидан хабар топиб, дарҳол уни ҳузурига таклиф қилди ва кўп илтифотлар қилсатди. Баққолга шохона кийимлар инъом баддал бўлди.



Қилди. Унинг шарафига қатта зиёфат берди. Зиёфатга йиғилганларга баққолни таништираркан: «Бу менинг биродарим ва энг яқин дўстимдир», деди. Шундан сўнг унга икки юз минг динор инъом қилди ва ўзининг хос анжуманларидан энг яқин маслаҳатқўйларидан бирига айлантирди.

Муҳаммад Авфий

томонда эса душманга баробар келадиган даражада лаъзаримиз йўқдур. — Вақир бу борада гамгин бўлмасам ҳам буладди, зеро бутун осмон ҳам бу давлатнинг равақи учун ҳаракатда ва фалак иш-болшлари камарбастидурлар. Сенинг биргина ишоратинг кифоидир, барча душманлар ер билан яқсон бўлурлар. Агар буюрсанг, мен бориб, бу мушкулоти сенинг бошигдан даф қилай.

манни банди қилиб менинг олдимга келтирса, ул кишига юз минг динор инъом қилурман», деб айтди. Бу сўзни эшитган аскарлар душманга баробар еприлиб ҳужум қилдилар. Бу ҳужумда душман аскарлари тор-мор қилиниб, лашкарбошини боғлаб, баққолнинг олдиға келтиридилар. Баққол Фазл Саҳл ҳузурига мактуб йўқлади. Мактубнинг мазмуни қуйидагича эди: «Амирга маълум бўлгайки, мен бозор кишисидурман, фатҳнома эъниши улдасидан чиқа олмайман ва лекин шуни бидираманки, мактуб ортидан узим ҳам етиб борурман ва душман бошлигини боғлаб олиб боргайман, вассалом».

Фазл Саҳл мактубни ўқиб энида хурсанд бўлди ва амирулмуъмининга хушхабарни етказди. Дебдурларки, уша кеча Фазл Саҳл туш қурибди; гуе Худобард баққолнинг фатҳи Фазл Саҳлнинг аҳду паймонидад эмичи. Зотан, ҳар ким яқши аҳду паймон билан ўз давлатидан дўстларни сарфароз қилса, у кишининг узи ҳам, болалари ҳам эзгу фазилатлар билан таъминлангай.

Турғун ФАЙЗИЕВ таржимаси. Рассом: Гулузор Султонова

Янги хужжатли филм УЛАР ҒОЙИБ БЎЛИБ ҚОЛАР ЭДИЛАР...

Яқинда Ўзбекистон Киночилар уюмида бир қатор хужжатли филмларнинг жаммоатчиликка тақдимот маросими бўлиб ўтди. Очққ жамият институти — Ўзбекистон ақтуал мавзуларига бағишланган профессоронал ва ҳаваскор киночилар томонидан яратилган хужжатли филмларнинг қирқтановини ўтказган эди. Танловда «Улар Германияда ўқиган эдилар» филми биринчи мукофотга сазовор бўлди. Филм тақдимот иштирокчиларида жуда катта таассурот қолдириди.



дин Султонов ва кинорежиссёр Шухрат Махмудов яна ермиёнда бўлиб, 20-йилларда ўзбек ёшлари тахсил олган дорилфунунлар, Берлин, Хайделберг университетларида сақланаётган маърифий алоқаларга доир айтилган тарихий хужжатлар билан ақиндан танишдилар. Уларга Берлиндаги Гумболд дорилфунун профессори Ингеборг Балдуф катта ёрдам қилсатди. Филмда Балдуф хонининг сўзларини ҳажонсиз эшитиш мумкин эмас. Филм шундай изанишлар ва ҳамкорликларда майдонга келди.

Биз бу филмни яратишда бевосита иштирок этган манбаъшнос олим Шерали Турдиевга муҳаббат эйтиб, асарнинг дунёга келиши ҳақида сўзлаб беришимиз сўрадик.

Мухбир: — Сиз кўп йиллардан бунён Германияда ўқиган туркистонлик ва буюхорлик талабалар тарихини ўрганиб, бу ҳақда анчагина мақолалар ва рисоалар ҳам эълон қилгансиз. Хайриддин Султон ва Шухрат Махмудовнинг филми ёрқин хотиралар, тарихий хужжатлар асосида яратилган. Шу муносабат билан кино асарга асос бўлган манбаларни қизиқиб қолдик. Манбаларни топши осон бўлмагандир?

Шерали Турдиев: — Мен, умуман Ўзбекистоннинг 20—30-йиллардаги маданияданий алоқаларини акс эттирадиган хужжатларга қизиқаман, шу манзуга онд манба ва материаллар оид йиллардан буён ўрганиб келаман. Лекин уша жойда фақат 80-йилларнинг охиридаги очирок гапирши имкониятлари туғила бошлади. Миллий мустақилликдан сўнг Ўзбекистонда мавжуд архив материаллари асосида, шунингдек, айрим хорижий: немис, япон, турк олимлари востисида илк маротаба Германияга ўқишга борган ёшларимиз тақдирини билан боғлиқ хужжатлар ва манбалар ушунда тадиқот олиб борушга интилдик. Бу мавзуга хужжатли кино усталари қизиқиб қолишди. 1997 йилда Ўзбекистон хужжатли филмлар студияси ишга киришди. Мен кино гурӯҳининг илмий маслаҳатчиси сифатида ўзбек зиёлиларининг Германияда Туркияда ўқиган ва ишлаган, яшаган жойлари ҳақидаги қўшма манбаларни аниқладим. Уша йили 11-19 июл кунлари кино гурӯҳимиз режиссёр Шухрат Махмудов, кинооператор Файрат Шукӯров билан бирга Туркиянинг Истанбул, Анкара шаҳарларида бўлиб, Германияда ўқиб, сўнг Туркияда қўлиб кетган профессорлар Тоҳир Чингаой, Иброҳим Ерқин, Аҳмаддон Иброҳим, доктор Абдувахоб Уқтой, Саида Уқтойлар яшаган уйлари, ишканалари ва улар дафн этилган жойларини, уларнинг авлодлари хотираларини кинолентага тушириб қайтдик. Тошкентда эса Германияда ўқиб, сўнгга Ўзбекистонга қайтган Саттор Жаббор, Хайринисо Махмуджонова ҳам аёйиб ёшларимизнинг Сталин даврларидаги фожиа тақдирлари ҳақидаги лавҳалар суратга олинди. Уларнинг хозирда ҳаёт бўлган шогирдларидан академик Ерқин Тўрақулов, фаразд ва жинларидан Урқон Жаббор, Холита Қодировларнинг ала-истиробли хотираларини ёзиб олдик. Илмий охирида тадиқил ёзуви, изланувида публицист киноценарий муаллифи Хайрид-

Advertisement for 'M' magazine, featuring contact information for the publisher and subscription details.